



ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мустақил тадқиқотчи: **Жўрамирзаев И.С**

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати, унинг ривожланишидаги асосий омиллар, мавжуд муаммолар ва келажакдаги истиқболлари юзасидан таҳлилий маълумотлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистон меҳнат бозорини янада ривожлантириш хусусида таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Меҳнат бозори, хорижий инвестиция, рақамли иқтисодиёт, меҳнат миграцияси, диверсификация, корпоратив университетлар, soft skills.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ўз иқтисодий ривожланиш йўлини тубдан ўзгартириб, дунё ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликка интилмоқда. Бугунги кунда меҳнат бозори иқтисодиётнинг асосий ўзаги сифатида улкан ўзгаришлар йўлидан кетиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2023-2024 йиллар бу жараённинг муҳим даври бўлиб, амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бера бошлади.

Жумладан, Ўзбекистон меҳнат бозорида бир қатор муҳим тенденциялар айнан сўнгги 5 йилликда ривожлана бошлади. Иқтисодий фаолликнинг ошиши ва хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши янги иш ўринларининг яратилиши ушбу соҳанинг юксалиб бораётганлигидан дарак бермоқда.

Давлат статистика қўмитасининг 2024 йилдаги маълумотларига кўра, мамлакатда ишсизлик даражаси олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада пасайишни кўрсатиб, 2025 йил бошида умумий ишсизлик 5,7 фоизни ташкил қилмоқда. Бунга саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кўрсаткичларнинг ўсиши асосий сабаб ҳисобланади. Айниқса, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши IT соҳасидаги бандликни кескин ошиб бормоқда. 2025 йилда ҳам мазкур тенденция давом этиб, хусусий



секторда янги лойиҳаларнинг ишга туширилиши кўплаб ёш мутахассислар учун имкониятлар очилишига замин яратиб бермоқда[1].

Таъкидлаш жоизки, меҳнат бозори ривожланишининг яна бир муҳим хусусияти – меҳнат миграциясининг диверсификация бўлаётганлигида кўришимиз мумкин. Хусусан, Россия анъанавий равишда энг асосий йўналиш бўлиб қолаётган бўлсада, фуқароларнинг Туркия, Жанубий Корея, Европа мамлакатлари ва АҚШ каби давлатларга ишлаш учун бориши ортиб бормоқда. Бу жараён меҳнат миграцияси географиясининг кенгайишига хизмат қилди ва хориждаги меҳнат шартномаларининг расмийлаштирилишига катта эътибор қаратилишига олиб келади[2].

Замонавий меҳнат бозори малакасиз ишчи кучига эмас, балки юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда. Шу сабабли мамлакатда малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, таълим тизимида ҳам туб ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари ўқув дастурларини иқтисодиётнинг реал эҳтиёжларига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунда корпоратив университетлар ва профессионал таълим марказларининг очилиши орқали ёшларга ИТ, муҳандислик, маркетинг, туризм каби йўналишларда замонавий билимлар беришга эътибор берилиши каби жараёнлардан кузатишимиз мумкин[3].

Бугунги кунда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган “рақамли кўникмалар” ва “юмшоқ кўникмалар” (*soft skills*) - масалан, жамоада ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш ва креатив фикрлаш қобилиятлари - алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг биринчи ярмидаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, иш берувчиларнинг қарийб 40%и технологик ва ижтимоий кўникмаларга эга кадрларни излашмоқда[4].

Келажакда Ўзбекистон меҳнат бозорининг барқарор ривожланиши учун бир қатор вазифаларни ҳал этиш зарур саналади:

Биринчидан, норасмий бандлик муаммоси долзарблигича қолмоқда. Расмий маълумотларга кўра, меҳнат билан банд аҳолининг муайян қисми ижтимоий ҳимояга эга бўлмаган норасмий секторда фаолият юритади. Бу эса



ижтимоий тенгсизликка сабаб бўлади ва давлат бюджетига солиқ тушумларини камайтиради. Бу муаммони ҳал қилиш учун хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва расмий меҳнат шартномаларини тузишга кўмаклашиш лозим ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликни камайитириш муҳим омил бўлиб қолмоқда. Тошкент шаҳри ва йирик саноат марказларида иш ўринлари етарлича яратилаётган бўлсада, айрим қишлоқ ва олис ҳудудларда бандлик муаммоси сақланиб қолмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун ҳудудий инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш зарур саналади[5].

Учинчидан, гендер тенглигини таъминлашга янада кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини ошириш, улар учун мослашувчан иш шароитларини яратиш ва раҳбарлик лавозимларига кўтарилишини қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон меҳнат бозори 2024-2025 йилларда динамик ўсиш ва чуқур ўзгаришлар даврини бошдан ўтказиб келмоқда. Мамлакат томонидан амалга оширилган ислоҳотлар, инвестицияларнинг жалб этилиши, таълим тизимидаги янгиланишлар иш ўринларини яратилишига ва ишсизликни камайиб боришига олиб келди. Бироқ, келажакда меҳнат бозорини янада самарали ривожлантириш учун норасмий бандлик, ҳудудий номутаносиблик ва кадрлар сифати каби муаммоларни ҳам ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим бўлиб қолмоқда. Ушбу вазифаларни муваффақиятли бажариш Ўзбекистоннинг барқарор ва инклюзив иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ). “Ўзбекистонда бандлик ва ижтимоий меҳнат соҳасидаги тенденциялар” ҳисоботи. Женева: ХМТ. 2024 й.



3. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази (ЦЭИР). “Ўзбекистон иқтисодиёти: макроиқтисодий ва бандлик кўрсаткичлари таҳлили”. Тошкент: ЦЭИР. 2025 й.
4. Абдуллаев, А.А. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари. Тошкент: “Иқтисод-Молия” нашриёти. 2024 й.
5. Қосимов, М.С. Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорининг трансформацион ўзгаришлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” журнали. № 1. 2025 й.